# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил — Соғлом бола йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 31-YANVAR, JUMA, 14 (8251)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


# МАРРАНИ БАЛАНД ОЛАЁТГАН СОҒЛОМ АВЛОД ШИЖОАТИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ДОИМИЙ ЭЪТИБОР САМАРАСИДА ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш масаласига энг устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Зеро, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш муқаддас Ватанимизнинг порлоқ истиқболини белгилаш, бинобарин, эзгу ва улуғ мақсадларимизни рўёбга чиқаришда энг муҳим омилдир. Айнан шу боис, мазкур йўналишда бошланган кенг қамровли ишларнинг изчил давом эттирилаётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.**




### БОЛАЛАР СПОРТИ

Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Улар мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, замонавий касб-ҳунарларни пухта ўзлаштирган, энг муҳими, спорт билан мунтазам шуғулланаётган соғлом ва баркамол авлоддир. Бошқача айтганда, улар дунёнинг тараққий топган давлатларидаги тенгдошларидан ўзишга тайёр шижоатли куч бўлиб майдонга чиқмоқда.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар ўзининг юксак самаралар бераётганини нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда барпо этилган замонавий спорт мактаблари ҳамда мажмуалари, уларда ўғил-қизларимиз исталган спорт тури билан шуғулланиш имконига эга бўлиш баробарида нуфузли халқаро мусобақаларда улкан муваффақиятларга эришаётганлари мисолида яққол кузатиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 28 январь куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидлаганидек, ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.


**(Давоми 4-саҳифада)**


**Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири экани алоҳида таъкидланган эди.**

# «ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ» – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ

Ўтган йилда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ишчи гуруҳи тузилиб, мазкур соҳада етакчи давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилди. Замон талабларига жавоб берадиган хорижий тажрибалар асосида "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш бўйича концепция ва комплекс дастур, шунингдек, 2013-2017 йилларда миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ягона интерфаол давлат хизматлари портали – my.gov.uz дастури асосида амалга оширилаётган ишлар аҳолига манзур бўлаётган лойиҳалардан биридир.

Яқинда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида портал фаолияти ва уни ривожлантириш масалалари ҳақида сўз борди.

Тадбирда соҳанинг масъул ходимлари, "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази мутахассислари қатнашди.

Ягона интерфаол давлат хизматлари портали 2013 йилнинг 1 июлидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали базасида "ягона ойна" режимида ишга туширилган бўлиб, айни пайтда унга уч юзга яқин давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари уланган. Улар томонидан аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига юздан ортиқ интерфаол хизматлар кўрсатилмоқда.

Порталда фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор берилаётир. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари жойлардаги давлат ҳокимияти органларига портал орқали мурожаат қилиш мумкин. Етти ой давомида Ягона портал орқали 6 мингдан зиёд мурожаат – жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, таклиф ва шикоятлари жўнатилди.

Яқиндан бошлаб эса ягона интерфаол давлат хизматлари портали орқали юртдошларимиз ўз ҳуқуқ ва манфаатлари бузилаётгани ва уларни ҳал этишга етарлича эътибор берилмаётгани тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига бевосита мурожаат қилиш имконига ҳам эга бўлди.

Матбуот анжуманида Ягона порталнинг 2013 йилнинг июль ойида фойдаланишга топширилган ахборот-маълумотнома хизмати фаолияти ҳам муҳокама этилиб, истиқболдаги режалар ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида яқин вақтлар ичида Ягона портал орқали лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини электрон шаклда тақдим этиш, коммунал хизматлар, шунингдек, солиқ солиш ва божхона расмийлаштируви бўйича интерфаол шаклда хизмат кўрсатишга ўтилиши маълум қилинди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Навоий вилояти

**Асал – шифобахш неъмат. Уни минг дардга даво дейишади. Айниқса, асаларичиликдан олинадиган гулчанг, прополис, асалари захри, сути, муми инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдалидир.**

# БОЛИ БОР ХОНАДОНДА БАРАКА ҲАМ БОР

– Ҳар гулнинг алоҳида ҳиди бўлганидек, ҳар бир ҳудуд асали қайсидир жиҳати билан бир-биридан фарқ қилади, – дейди йигирма йилдан буён асаларичилик билан шуғулланиб келаётган хатирчилик Толиб Жўраев. – Ҳар бир асаларичи етиштирган асалининг ўзига хос таъми, мазаси бўлишини истайди. Бунга эришишни айримлар ўша ҳудуддаги гиёҳларга боғлиқ, дейишади. Аммо асаларичининг маҳорати ҳам аҳамиятга эга, десак тўғрироқ бўлар.

Толиб Жўраевнинг касби биолог. Шу боис ҳам у асаларичиликнинг фойдали жиҳатларини яхши билади.

– Дастлаб ишдан ортган пайтларимда секин-секин асаларичиликни йўлга қўйгандим, – дейди Толиб Жўраев. – Бугун эса қарамоғимдаги асалари оилалари 40 тага етди. Бир йилда уч мартагача ҳосил оляпмиз. Бу бир тоннани ташкил этади. Фойдаси рўзғордаги каму кўстни қоплашга етиб турибди. Бу касбни укамга, ўғлимга ҳам ўргатдим. Аслида асали бор хонадондан ҳеч қачон бардамлик, барака аримас экан.

**Абдурасул САТТОРОВ**

Наманган вилояти

# ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР ҚУРИЛМА

**Наманган муҳандислик-технология институтида янги инновацион лойиҳа асосида яратилган қурилма синовдан муваффақиятли ўтди.**

Институтнинг технологик машина ва жиҳозлар кафедраси олимлари яратган янги қурилма қуёш коллектори ёрдамида ҳосил қилинадиган энергия ёрдамида ишлайди. Тежамкорлиги ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сезиларли даражада камайтириши билан амалда фойдаланилаётган технологиялардан фарқ қилади.

– Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион ҳамкорликнинг самарали механизми йўлга қўйилмоқда, – дейди институтнинг илмий ишлар бўйича проректори, профессор Рустамжон Муродов. – Олимларимиз томонидан яратилган янги қурилма ҳам ана шу ҳамкорлик самарасидир. Унинг амалиётга татбиқ этилиши пахта хомашёсини қуритиш учун сарфланадиган иссиқлик қувватини икки ярим, электр энергияси сарфини қирқ фоизга камайтиради. Шунингдек, қуритиш жараёни унча юқори бўлмаган ҳароратда амалга оширилиши натижасида толанинг шикастланиш даражаси амалдаги 25 фоиздан 8-9 фоизга тушади. Мазкур инновацион лойиҳа ўртача қувватдаги пахтани қайта ишлаш корхонасига бир йилда 70-80 миллион сўм маблағни иқтисод қилиш имконини беради.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# АҚШДА ЙИРИК ТЎҒОН ВА ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАҚИҚЛОВЧИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**Халқаро экология ташкилотлари, шунингдек, техноген хавфлар бўйича мутахассис ва экспертларнинг узоқ саъй-ҳаракатлари натижасида 2014 йилнинг январида АҚШ Конгресси ва Сенати муҳим қонунчилик нормаларини жорий этишни кўзда тутадиган қонунни қабул қилди ва Президент Барак Обама уни имзолади.**

Мазкур қонунга мувофиқ, Халқаро молия институтлари директорлар кенгашларидаги АҚШ вакиллари энди йирик тўғонлар ва гидроэнергетика объектлари қурилиши лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қарз олиш ёки ушбу лойиҳалар билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатни маъқуллашга қарши чиқишга мажбур.

Бугунги кунда АҚШ асосий халқаро молия институтлари, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Осиё тараққиёт банки, Осиё ривожланиш жамғармаси ва бошқа молия институтларининг йирик акциядори ва донори ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари ўзи акциядор бўлган барча халқаро молия институтларида тўғонлар ва йирик гидроэнергетика объектлари қурилишига қаратилган ҳар қандай лойиҳани молиялаштириш ва маъқуллаш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлашни қонуний тақиқлади.

АҚШ қонунчилик ва ижро ҳокимиятларининг ушбу қарори ҳар томонлама асослидир. Чунки сўнгги йилларда эколог-мутахассислар, техноген хавфлар бўйича экспертлар, муҳандис ва ҳуқуқшунослар томонидан ўтказилган тадқиқотлар, мазкур муаммонинг халқаро даражада бир неча бор муҳокама этилиши баланд тўғонлар қуриш оқибатида юзага келадиган салбий ҳолатлар, хавф ва таҳдидлар билан боғлиқ масалага ойдинлик киритди. Зеро, бу билан боғлиқ масалалар, айниқса, тоғли шароитларда янада мураккаб тус олиб, кўплаб соҳаларда олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши ва тузатиб бўлмас даражада зарар етказиши мумкин.

Шу боис, экология ташкилотлари ташаббуси билан қабул қилинган ва АҚШнинг барча ҳокимият тармоқлари томонидан қўллаб-қувватланган мазкур нормалар кенг кўламли экологик, техноген ва ижтимоий-иқтисодий фалокатларга сабаб бўладиган йирик гидроэнергетика объектларини қуриш лойиҳаларини амалга оширишга йўл қўйиб бўлмаслигига аниқ ва тўғри ишорадир.

Марказий Осиё минтақасида йирик тўғон ва гидроэнергетика объектларини барпо этишга йўл қўймаслик ғоят долзарб масаладир. Чунки сўнгги йилларда минтақанинг асосий трансчегаравий дарёлари – Амударё, Сирдарё ва уларнинг ирмоқларида ҳали собиқ тузум даврида қурилиши режалаштирилган йирик гидроэлектр станциялар, жумладан, Роғун ГЭСи ва 1-Қамбарота ГЭСини қуриш лойиҳаларини қайта тиклашга қатъий уринишлар бўлмоқда.

Бундай лойиҳаларнинг асосий хавфли томони шундаки, электр энергияси тақчиллиги ва янги қувватларни ташкил этиш муаммосини ушбу лойиҳалар амалга оширилиши оқибатида бутун минтақа учун узоқ муддатли ҳалокатли оқибатлар юзага келиши мумкинлигини эътиборга олмай ҳал қилишга уринишлар бўлмоқда.

Минтақа экологиясининг ўнглаб бўлмас даражада ўзгариб кетиши ва табиатдан фойдаланиш бўйича юзага келган тизимлар ана шундай асосий хавфлар сирасига киради. Бу Марказий Осиёда жиддий экологик ҳалокатнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин. Йирик тўғонлар қурилиши минтақанинг шундоқ ҳам нозик экологик мувозанатини издан чиқариб, асосий сув оқимларини мавсумий тақсимлаш ва кўп йиллик бошқариш тизимини тўлиқ ўзгартириб юборади, минтақадаги сув ресурслари тақчиллигини ҳалокат ёқасига келтириб қўяди.

Тўғонлар қурилиши Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёз мавсумида сув ниҳоятда камайиб, узоқ вақт кучли қурғоқчилик юзага келиши, қишда эса фалокатли тошқинлар рўй бериши, экин майдонларининг шўрланиши ва ҳосилдорлик кескин камайиб, миллионлаб одамларнинг оч-наҳор ва ишсиз қолишига, аҳолининг бу ердан оммавий кўчишига сабаб бўлиши мумкин. Глобал экологик ҳалокат зонасига айланиб бораётган Орол денгизига туташ ҳудудларда эса аҳвол бундан-да мураккаблашади.

Бугунги кунда батамом эскирган, бундан 40 йил муқаддам-совет даврида ишлаб чиқилган, хавфсизлик ва барқарорлик бўйича замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайдиган лойиҳалар ва нормалардан фойдаланишга уринишлар оқибатида пайдо бўладиган техноген фалокатлар ҳам жуда хавфлидир.

10 балли кучли зилзилалар ва мураккаб тектоник ўпирилишлар мунтазам содир бўлиб турадиган ҳудудда дунёдаги энг баланд тўғонларни барпо этиш кўзда тутилмоқда. Роғун тўғони қурилиши мўлжалланаётган жой кучли туз қатламидан иборат бўлиб, сувнинг сизиб кириши натижасида тузлар аста-секин эриб кетиши ҳеч гап эмас.

Бундай тўғонларнинг ўпирилиш эҳтимоли ўз йўлидаги барча гидротехник иншоотларни буткул ювиб кетадиган улкан ва кучли сув тўлқинлари ҳосил қилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ушбу дарёлар қуйи оқимида жойлашган юзлаб аҳоли пунктларининг тўлиқ ёки қисман сув остида қолишига, юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши ва бошқа сон-саноқсиз фожиали оқибатларга олиб келади.

Трансчегаравий дарёларда баланд тўғонлар қурилиши оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, халқаро ҳуқуқ нормалари, хусусан, БМТнинг мажбурий халқаро мустақил экспертиза ўтказиш, зарар етказмаслик ва бундай лойиҳалар бўйича барча манфаатдор мамлакатлар билан келишиш зарурлиги ҳақида аниқ талаблар белгиланган тегишли конвенциялари (1997 йилги Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенция, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича конвенция, Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги конвенция) талаблари ҳисобга олиниши шарт.

Шубҳасиз, АҚШда ушбу мамлакат парламенти ва ҳукуматининг мазкур масала юзасидан қатъий позициясини аниқ ифода этган ушбу қонуннинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти йирик тўғонлар ва гидроэлектрстанциялар қурилиши етказадиган мислсиз хавфлар оқибатини англаб етаётганидан яна бир карра далолат беради.

Бу қарор Марказий Осиёда йирик тўғон ва гидроэлектрстанциялар қуриш лойиҳасини амалга оширишга ўжарлик билан интилаётганларни ҳушёр торттириши даркор.

Юқорида қайд этилган халқаро молия институтлари Марказий Осиё минтақасида асосий инвесторлар экани инобатга олинадиган бўлса, қабул қилинган ушбу қонун бундай улкан лойиҳаларнинг амалга оширилиши етказадиган барча хавф-хатар ва оқибатларга яна бир бор теран кўз билан қарашга ундайди, шунингдек, мавжуд энергия тақчиллиги муаммосини ҳал этишнинг муқобил йўлларига эътибор қаратиш бўйича янги имкониятлар яратади. Зеро, муаммони ҳал этишнинг муқобил йўллари экологик нормаларни бузмайди, техноген ҳалокатларни келтириб чиқармайди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келмайди.

**С.ЖИГАРЁВ,**
**«Гидролойиҳа» институти директори.**

Андижон Вилояти

# СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШДА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

**Халқимизнинг «Отанг мироб бўлса ҳам, ариғингни чопиб, сув ич» деган нақлида сувдан тежаб-тергаб фойдаланишда барча бирдек масъуллиги акс этган. Ариқ чопмоқ эса деҳқончиликдаги асосий юмушлар бошлангунга қадар бўладиган, яъни қишдаги ишдир. Шу боис, айни вақтда деҳқонлар қиш фаслини қизғин иш фаслига айлантиришган.**



Яқинда Улуғнор туманида бўлганимизда, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Давлат дастури доирасида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар натижасида "Оқ олтин", "Андижон", "Жалақудуқ", "Истиқбол" массивларидаги 5 минг 400 гектар майдонга сув етказиб берувчи хўжаликлараро узунлиги 12,6 километр бўлган "Х-74" канали тамомила янгидан барпо этилибди. Бу эса айни кунларда олиб борилаётган шўр ювиш, яхоб бериш каби ишларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлигининг Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич" лойиҳаси бўйича ҳам туманда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

"Норин-Қорадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиорация экспедицияси ходимлари ҳар бир контур бўйича тупроқнинг шўрланиш даражасини ҳисоб-китоб қилиб, фермерларга етказди. Ирригаторларнинг таҳлил натижасига кўра, қайси контурда бир марта, бошқа контурда икки марта шўр ювиш амалиётини ўтказиш мониторингини олиб боришмоқда. Шунга кўра, айрим далаларда пол олиниб, шўр ювилаётган бўлса, кучсиз шўрланган майдонлар текисланиб, пушта олиняпти ва сув қўйиляпти.

– Устоз деҳқонлар қўллаган пуштага сув бериш усулидан фойдаланяпмиз, – дейди "Оқ олтин" массивидаги "Улуғнор баҳори" фермер хўжалиги раҳбари Абдуғаффор Абдуллаев. – Кеч куздаёқ пуштага бостириб сув қўйдик. Ҳозирда иккинчи сувни ҳам бериб бўлдик. Эрта баҳорда учинчи бор яна пуштага сув берамиз. Бу усулда шўр ювиш деҳқоннинг оғирини енгил қилади. Аввало, далани бегона ўт босишининг олди олинади. Энг муҳими, бир текис сув ичган пуштага экилган чигит бехато ва бақувват кўчат беради. Пуштанинг яна бир сири бор. Унга қуёш нури мўлроқ тушади. Ғўза эса иссиқ қанча кўп бўлса ҳам ҳазм қилиб юборади.

Улуғнорда шўр ювишнинг деҳқончиликдаги аҳамияти бебаҳо эканлигини ўз тажрибасида кўрган ва кўраётган фермерлар кўп. Абдулҳафиз Ҳожиқулов раҳбарлик қилаётган "Дилшод" фермер хўжалигида пол баланд олиниб, сўнгра бостириб икки марта шўр ювилади. Ушбу фермер хўжалигига чигит экилиб, кўчат олингандан сўнг борсангиз, ҳавасингиз келади. Кузда биринчилардан бўлиб шартнома бажарилади. Бажарилганда ҳам, ортиғи билан адо этилиши эвазига ҳосилдорлик юқори бўлади. Оғир шароитда деҳқончилик қилишига қарамасдан, Абдулҳафиз Ҳожиқуловнинг қўли узун. Дала ишларини юргизиш учун зарур бўлган барча энг замонавий техника воситалари бор.

– Шўр ювиш деҳқончиликда муҳим аҳамиятга эга, – дейди у. – "Норин-Қорадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ходимлари бу борада бизга мададкор бўлаётганидан мамнунмиз.

Айни кунларда "ЯВА-9", "Х-35" каналларида ҳам кенг қамровли таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. "Улуғнор-Мазгилсой" ирригация тизимлари бошқармаси жамоаси эса энг йирик массивларга сув етказиб берадиган "Дўстлик" каналини мавсумга ҳозирлашиб, шўр ювиш мавсуми учун зарур миқдордаги обиҳаётни етказиб бериш йўлида меҳнат қилишмоқда. "Дўстлик" массивида Улуғнор тумани фермерлар кенгашининг раиси Алижон Жўраевни фермерлар даврасида учратдик. У билан канал ёқалаб борар эканмиз, барча далаларда пол олингани, сув берилаётгани кўриниб турибди. Алижоннинг эътироф этишича, икки йилдан буён шўр ювиш ва пуштага сув бериш масаласида ташаббускорлик кўрсатилмоқда. Ушбу тадбирларни ўз вақтида сифатли тарзда бажарган деҳқон кузда мўл пахта ҳосили оляпти.

Мазкур туманда 8 минг 551 гектар майдонда шўр ювиш тадбири амалга оширилмоқда. Аниқроқ қилиб айтсак, 5 минг 330 гектар ерда бир бор, қолган майдонда эса икки бор шўр ювилиши белгиланган. Ҳозирда ҳар икки режа ўз ижросини топиб бўлди. 2 минг 50 гектар майдонда эса пуштага сув берилди. Ёғин-сочин камлиги ҳисобга олиниб, ушбу тадбир такрор тарзда ўтказилмоқда.

Бир йил аввал бу ердаги массивлардаги сув истеъмолчилари уюшмаларига биттадан универсал тарзда ишлатиш мумкин бўлган махсус тракторлар берилган эди. Натижада ички сув йўлларини янада равонлаштириш учун имкониятлар бир неча баробарга ортди. "Истиқбол" массивида механизатор Абдулла Жалолов янги техника билан бир куб метр сув ўтказиш қувватига эга бўлган ариқни ирригация талабларига яраша тозалаётганига гувоҳ бўлдик. Массивдаги фермерлар механизатор билан қадамма-қадам юришиб, ёрдамини аяшмаяпти.

Яна бир янгилик, яқинда тумандаги сув истеъмолчилари уюшмалари раҳбарларига Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич" лойиҳаси ҳисобидан Хитойда ишлаб чиқарилган мотороллерларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Сувнинг бир қатраси ҳам бир туп гиёҳга ҳаёт ато этади. Юқорида зикр этганимиздек, сув ариқда, эгатда равон оқса, исроф бўлишининг олди олинади. Улуғнорлик фермерларнинг ишларига назар солсангиз, уларнинг саъй-ҳаракатларида ана шундай эзгу мақсад мужассам.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## ҚИШ ФАСЛИ — ИШ ФАСЛИ

Бухоро Вилояти

# ШЎР ЮВИШ — ЕРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДЕГАНИ

*– Қишлоқ хўжалиги экинларидан кўзланган ҳосилни олишда ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз ўрни бор. Вилоятимиз иқлим ва тупроқ шароитидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, қиш фаслида экин майдонларининг шўрини ювиш деҳқончиликда катта аҳамият касб этадиган агротехник тадбир саналади, – дейди Ғиждувон туманидаги "Тилло" фермер хўжалиги раҳбари Очил Шодиев. – Маълумки, кеч куз фаслида ерларнинг шўри унинг юза қисмига кўтарилади. Қиш фаслида берилган суви эса ана шу шўрланишга барҳам беради.*



*Фермер Очил Шодиев ва сувчи Гулмурод Эгамов.*

Шўр ювиш сувчилардан жуда катта эътибор ва масъулият талаб этадиган юмуш. Далага ўз вақтида ва белгиланган меъёрда сув бериш зарур. Акс ҳолда, сифатсиз суғорилган майдонларда баҳорги экиш мавсумида шўр қайта кучаяди. Натижада ерга қадалган чигит шўр таъсирида ривожланиш ўрнига, тушган жойида чириб қолади. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, сифатли шўр ювиш эрта баҳорда тўлиқ гектарлар яратишда муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, яхоб суви экин майдонларининг табиий маъданлар билан тўйинишида, зараркунанда ҳашаротларни йўқотишда ҳам ўзига хос ўрин тутади.

Ҳа, қишки шўр ювиш тадбирида ана шу тарзда ёндашадиган хўжалик аъзолари пахта ва ғалла экинларидан юқори ҳосил олишни кўзламоқда. Дарвоқе, ўтган йили ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 63 центнерга, пахта ҳосилдорлиги эса 37 центнерга етказилган эди.

– 62 гектар шудгорланган ва 18 гектар ғалла экилган майдонларда шўр ювиш ишларини 6 нафар сувчи билан сифатли қилиб якунладик, – дейди фермер. – Хўжалигимизда ишчиларни бажарган ишининг сифатига қараб рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Мавсумда воҳа бўйича 180 минг 636 гектар майдоннинг шўрини ювиш режалаштирилган бўлиб, айни кунгача 174 минг гектарга яқин майдонда бу тадбир амалга оширилди. Кучли ва ўрта даражада шўрланган майдонларда эса иккинчи ва учинчи суғориш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Сув тизими ташкилотлари томонидан суғориш ишларига ҳар куни ўрта ҳисобда 132-140 метр куб сув етказиб берилмоқда.

**Ҳамроз АЛИ**

Қорақалпоғистон Республикаси

# ТЕХНИКАЛАР МАВСУМГА ШАЙЛАНМОҚДА

*Кегайли тумани фермерлари шу кунларда қишлоқ хўжалик техникаларини мавсумга тайёрлаш ишларини қизғин олиб боришмоқда. Тумандаги «Халқобод усто» муқобил машина-трактор паркида ҳам бу жараён қизғин давом этаётир.*



*«Халқобод усто» ММТП чилангари Тимур Реймов.*

– Техникаларни таъмирлаш ишлари ҳар йилдагидек бу йил ҳам эрта бошлаб юборилди, – дейди «Халқобод усто» муқобил машина-трактор парки раҳбари Жуманияз Пирназаров. – Ҳудудимиздаги 27 та фермер хўжалиги асосан пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланади. Ўтган йили 1330 гектар пахта, 700 гектар ғалла майдонларидаги агротехник тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли амалга оширилиши натижасида юқори ҳосилдорликка эришилган эди. Айни кунларда таъмирлаш ишларида 50 нафарга яқин ишчи қатнашмоқда. Марказий устахонада ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

«Кегайлиагротехсервис» машина-трактор парки масъулияти чекланган жамиятида ҳам техникаларни таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Жамият раисининг ўринбосари Рустам Қойлибоевнинг таъкидлашича, ҳозирда 16 дона «Магнум», 7 дона «Класс» комбайни, 23 дона ғалла ва чигит экадиган сеялкалар, 11 дона плуг ва 6 дона чизель таъмирланмоқда. Бу тадбирга 42 нафар ишчи жалб қилинган. Ихлос Сапаров, Али Қаналиев, Кўмак Хайруллаев, Исломбек Авезов каби тажрибали усталар таъмирлаш ишларида бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

– Техникаларни таъмирлаш ишлари, айниқса, М.Жуманазаров, Қ.Абибуллаев, Б.Каримбердиев номидаги, «Кегайли» муқобил машина-трактор паркларида ҳам уюшқоқлиқ билан олиб борилмоқда,– дейди Кегайли тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Қўнғиротбой Жалимбетов. – Бундан ташқари, 156 та фермер хўжалигида ўтган йили экилган 4150 гектар кузги ғаллага маҳаллий ўғит чиқариш ишлари давом эттирилмоқда. Бугунги кунга қадар далага 25 минг тоннадан зиёд маҳаллий ўғит чиқарилди. Бу ишларга 15 та техника жалб қилинган.

Сирасини айтганда, туман меҳнаткашлари бугунги саъй-ҳаракатлари билан жорий йилги мўл ҳосил учун мустаҳкам замин яратмоқдалар.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

Сурхондарё Вилояти

*Қумқўрғон туманидаги Маматмурод Хўжамқулов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 940 та оилада уч минг саккиз юз нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади.*

# МАҲАЛЛА — АҲИЛЛИК МАСКАНИ

Асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келган маҳалла аҳли кейинги йилларда тадбиркорлик соҳасида ҳам катта тажриба орттиришди. Бу эса маҳаллани ободонлаштириш ва янги бинолар барпо этишда ишбилармонлар ҳиссасининг салмоқли бўлишига замин яратмоқда. Ана шундай тадбиркорлар – Рўзибой Бадалов, Мусулмон Холматов, Абди Турсунов, Ҳабиба Раҳмонқулова ва Анора Эсоновалар кўмагида муҳташам маҳалла гузари қад ростлади. Гузарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хўжалик моллари дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида касб-ҳунар коллежи, қишлоқ врачлик пункти ва бошқа зарурий хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Иккита фермер хўжалиги эса маҳалланинг барча тадбирларига имконият қадар моддий кўмак бериб келади.

– Ўтган Обод турмуш йилида маҳалламиз ҳудудидаги йўлларни таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Соатмўмин Чориев. – Орнали ва Чашка қишлоқлари ҳудудидаги 3,5 километр ички йўл асфальт қилинди. Қабристонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, унга элтадиган йўлга тош ётқизилиб, текисланди. Буларнинг аксарияти ҳашар ва ишбилармонлар кўмагида амалга оширилди.

Маҳаллада тарбиявий ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, вояга етмаганлар, хотин-қизлар иштирокида тез-тез учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турилади. Бу тадбирларга тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари қаторида, кўпни кўрган отахон ва онахонлар ҳам таклиф этилади. Сирасини айтганда, бугун маҳалла ободлик, файзи барака масканига айланмоқда.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**

Наманган Вилояти

# ОТА ЯРАТГАН БОҒ

## ФАРЗАНДЛАР УЧУН ХАЗИНАГА АЙЛАНДИ

**Тўрақўрғонлик Фурқатжон Султонов бир неча йиллар муқаддам томорқасида яхши ниятлар билан мўъжазгина иссиқхона барпо этганди. Бугун у ердаги 40 тупдан зиёд лимон кўчатлари тўлиқ ҳосилга кириб, оила аъзолари учун қўшимча даромад манбаига айланди.**



– Отам раҳматлининг бу савоб иши бизга ўрнак бўлди, – дейди Элёрбек Рустамов. – Ҳозир лимонзорда мен, укам ва хотиним биргаликда меҳнат қиляпмиз. Яқинда ана шу боғдан қилинган даромад ҳисобига укамни уйлантирдик. Навбатдаги ҳосил ва даромадга ҳам яхши ният қилганмиз.

Тўрақўрғон тумани азалдан уста миришкор, боғбону соҳибкорлар маскани ҳисобланади. Бу заминда бир қарич ер ҳам бўш қолмайди. Тумандаги ҳар бир қишлоқ деҳқончилик ёки боғдорчиликнинг муайян йўналишида ўзига хос мактаб яратган десак, муболаға бўлмайди. Жумладан, Бурама тут, Ахси, Яндама, Гулқишлоқ, Қўрғонча каби қишлоқлар аҳли гилос ва хурмо етиштиришнинг ҳадисини олишган.

Тумандаги Хўжанд қишлоғи аҳли эса ток парваришлаб, узумнинг ноёб турларини етиштиришга уста Шоҳидин, Бекобод каби қишлоқларда саримсоқпиёз ва қулупнай асосий томорқа экини ҳисобланади.

– Туманда томорқани даромад манбаига айлантираётган кишилар кўп, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тўрақўрғон тумани бўлинмаси раиси Мақсудахон Бекматова. – Айни кунда туманда жами 44870 та хонадон бўлиб, улар ихтиёрида 2797 гектар томорқа майдони мавжуд.

Томорқадан фойдаланишнинг аҳволи ўрганилганда, ушбу хонадонларнинг 70 фоиздан ортиғи ўз меҳнати ва шахсий маблағи эвазига ундан унумли фойдаланиб келаётгани маълум бўлди. Шунингдек, ўттиз фоизга яқин оилаларга эса "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси томонидан 40 турдан ортиқ сабзавот, полиз ва бошқа уруғлар етказиб берилди. Бу борада, айниқса, "Агробанк"нинг туман бўлими томонидан томорқачиларга моддий кўмак берилаётгани диққатга сазовордир. Ўтган йили барча маҳаллаларда жами 223 та турли маҳсулот ва мева етиштирадиган иссиқхоналар қурилгани томорқалардан олинадиган даромад чўғини янада яхшилайди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ГИДРОПОНИКА – ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИГИДА ҚУЛАЙ УСУЛ

**Мамлакатимизда қишда ҳам аҳоли дастурхонини сархил мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тур маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида замонавий иссиқхоналар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада томорқа эгалари томонидан муайян тажрибалар шаклланди. Шу билан бирга, соҳага хориж технологиялари ҳам кенг жалб қилинаётгани тармоқ ривожида муҳим омил бўлмоқда.**

Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчиқ ва Қибрай туманларида кўплаб ана шундай замонавий иссиқхоналар барпо этилиб, уларда янги технология – гидропоника усулида кўчат ва помидор маҳсулотлари етиштирилаётгани кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу усул тупроқсиз ва маҳаллий ўғитларсиз ҳосил етиштириш имконини беради. Мазкур тадбирлар Президентимизнинг Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда "Ўзбекистонда намунали иссиқхоналарни барпо этиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори асосида амалга оширилмоқда. Юқоридаги ҳужжат доирасида 4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги грант ҳисобига KOICA халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан Қибрай тумани ҳудудидаги Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба станциясида барпо этилган 5 минг квадрат метрли замонавий иссиқхона ана шу хайрли ишлардан ҳисобланади. Жанубий Кореянинг "Myung Sung Placon Ltd" компанияси қурувчилари томонидан бунёд этилган иссиқхонадаги барча ускуналар Жанубий Кореядан келтирилган.

Иссиқхонадаги тизим тўлиқ ҳолда автоматик тарзда компьютерда бошқарилади. Унинг ярим доира шаклидаги металл конструкцияси юқори қисми ва ён атрофи махсус полиэтелен қопламаси билан беркитилган. Табиий қуёш энергияси, ички ҳаво ҳарорати ҳамда намликнинг меъёрда бўлишини таъминлаш учун алоҳида мосламалар ўрнатилган. Мукаммал шамоллатиш тизими ўсимликларни бир маромда ривожланишига етарлича имкон беради. Сув ҳамда минерал ўғитларни сақлашда омихталаштириш технологияси, кўчат тайёрлаш ва ўстириш жараёнида насос қипиғидан фойдаланилади. Иситиш тизими газдан, зарурат туғилганда нефть маҳсулотлари билан ҳам фаолият юритаверади.

Хорижлик мутахассислар иссиқхонада оқава сувларини фильтрловчи ускуналар, электр энергиясини бир маромда таъминлаб турувчи мосламаларни ўрнатишга ҳам алоҳида аҳамият қаратишган. Хуллас, ичкарида ҳозирги қиш мавсумида ҳам ёздагидек мўътадил иқлимли, ёпиқ дала деҳқончилик учун барча имкониятларга эга.

– Иссиқхонага 15 минг туп помидор кўчатлари экилган эди, – дейди Тошкент давлат аграр университети илмий бўлими бошлиғи Навкар Раҳмонов. – Экинлар томчилатиб суғориш технологияси асосида парваришланмоқда. Бунинг натижасида кўзланганидан ҳам мўл ҳосил етиштирилади. Чунки янгича усулнинг оддий иссиқхоналарга нисбатан афзал жиҳатлари жуда кўп. Масалан, хонаки иссиқхоналарда парваришланаётган помидор кўчатларининг бир тупидан 2,5 килограмм ҳосил олинса, ушбу технология асосида ҳосилдорлик 10-15 килограммгача етиши амалиётда ўз исботини топмоқда. Оддий иссиқхоналарга таққосланганда обиҳаёт сарфи 65-70, иссиқлик эса 25-30 фоизгача тежалади. Сабзавот экинларининг пишиб етилиши қарийб бир ойга қисқариб, ҳосил бериш даври эса икки ойга чўзилади. Томчилатиб суғориш жараёнида озуқа эритмалари тўғридан-тўғри ўсимликлар илдизига тўлиқ етиб боради.

Кореялик мутахассис Кван Охак ва профессор Ким иссиқхона фаолиятига доир зарур маслаҳатларни янги усулга қизиқувчилар билан бажонидил ўртоқлашмоқдалар. Улар ўзаро ҳамкорлик натижаси ҳисобланган ушбу янги технологияли иссиқхона юртимизда ўзбек мутахассислари билан аграр соҳа равнақи йўлида тажриба алмашишга хизмат қилаётганлигидан мамнунлар. Энг муҳими, ушбу замонавий иссиқхонада университет талабалари ҳамда ёш олимлар замонавий технологиялар асосида мўл ҳосил етиштириш сирларини ўрганиш имкониятларига эга бўлдилар. Айни вақтда бу ерда хўжалигини кўп тармоқли қилиш ниятида юрган фермерлар учун алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш имкониятлари ҳам пайдо бўлганлиги бу борада амалга оширилаётган эътиборли ишларнинг эътирофидир.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ОБОД ТУРМУШ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ

## ШУ ЙЎЛДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

*Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш орқали янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самара бермоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор суръатларда ўсиши ва бунинг ҳисобига аҳоли турмуш даражаси юксалаётганлигида молия-банк муассасаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.*

RAVNAQ-BANK



Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини юмшатиш, унинг олдини олиш борасида амалга оширилган аниқ дастурий чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётимизда барқарорлик, тараққиёт бўлаётир. 2008-2013 йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 8 фоиздан ошгани бунинг тасдиғидир. Бундай ўсиш суръатларини камдан-кам давлатларда кузатиш мумкин.

Бу жараёнда мамлакатимиз банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг банкларга ишончи ортиб бориши эса фаолиятни янада такомиллаштиришга, иқтисодиёт мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Ана шундай молия муассасаларидан бири "Ravnaq-bank" хусусий очиқ акциядорлик тижорат банкидир. Бугунги кунда "Ravnaq-bank" хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келаётир.

Биргина ўтган Обод турмуш йили давомида молия муассасаси томонидан иқтисодиётни янада ривожлантиришга йўналтирилган сармоялар ҳажми 33,5 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 27,6 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Буни банк томонидан кўрсатилаётган хизматлардан мамнун бўлиб, яъни сармоя эвазига ўз бизнеси ва тадбиркорлигини йўлга қўяётган ҳамда фаолиятини ривожлантираётган ишбилармонларнинг фикрларидан ҳам билишимиз мумкин.

– Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ва тиббиёт асбоб-ускуналари келтириш мақсадида банкдан кредит олдик, – дейди Шайхонтоҳур туманидаги "MIG TASHMI DIAGNOSTIKA MARKAZI" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шоира Бобоёрова. – Молия муассасасининг бизга ўз вақтида кўрсатаётган кўмаги туфайли аҳолига тиббий диагностика хизматлари кўрсатиш сифати янада яхшиланмоқда. Шу билан бирга, кредит маблағларидан мақсадли фойдаланиб, "Дамас" русумли тез ёрдам автотранспорт воситаларини аҳолига тез тиббий хизмат кўрсатиш учун сотиб олдик. Сармоя ҳисобидан қўшимча янги иш ўринлари яратдик. Келгусида банк билан ҳамкорликни янада ривожлантириб, фаолиятимизни кенгайтирмоқчимиз. Бунда ҳам банкнинг мададига суянамиз.

Юртимизда аёллар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўтган 2013 йилда банк томонидан тадбиркор аёлларнинг 2,3 миллиард сўмлик бизнес-лойиҳалари молиялаштирилди, ёш оилаларга эса 687,46 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағлари ажратилди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турини кўпайтиришда тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар соҳанинг янада ривожланишига туртки бўлаётир. Мазкур жараёнда "Ravnaq-bank" ХОАТБ ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этаётир.

Масалан, банк томонидан ажратилган кредит ҳисобига "FAYZLI DILSORA DIYOR" МЧЖ аҳоли истеъмоли учун сифатли қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозирги кунда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари аҳолига етказиб берилмоқда.

– Қандолат маҳсулотлари цехини ташкил этиб, турли хил ширинликлар, бир-биридан мазали тортларимизни халқимиз дастурхонига тортиқ қилмоқдамиз, – дейди "FAYZLI DILSORA DIYOR" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Лазизхон Қосимов. – Банкдан ажратилган кредит ҳисобига фаолиятимиз давомида зарур бўлган транспорт воситаларини сотиб олдик ва ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирмоқдамиз. Маҳсулотларимиз сифатлилиги боис мижозларимизга манзур бўлмоқда. Бу эса бизни янада ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилишга ундамоқда.

Сирасини айтганда, "Ravnaq-bank" ХОАТБ юртимиз равнақи ва аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини ошириш йўлидаги хайрли ишлар кўламини мунтазам кенгайтиришга ўз ҳиссасини қўшаверади. Бу эса мижозларнинг банкка бўлган ишончини ошириш баробарида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**"Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини реконструкция қилиш".**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** ҚҚСсиз 709 236 472 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** 12 ой.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш** мелиорация жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти.

**Танлов савдолари ташкилотчиси:** Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади:** иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 18-уй. Тел.: 241-15-26, 241-15-32.

